



## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> August, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

### ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАРИДА МАЊНАВИЙ ТАРБИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ

Эргашева Мафтуна Сайфуллаевна

Осиё халқаро университети Педагогика ва  
психология мутахассислиги 1 курс магистранти

#### Аннотация

Мақолада ўзгарувчан ижтимоий-маданий вазиятда адекват ҳаракат қила оладиган ва янги турдаги талаба шахсини шакллантириш ҳақида сўз боради, яъни олий таълим тизимларида талаба инсонпарвар бўлиши, ўзини ва жамиятни ўзгартиришга қодир бўлиши, касбий фаолиятнинг долзарб муаммоларини фаол ҳал қила олиши муҳим омиллардан саналади. Ушбу илмий мақолада юқоридаги муаммоларни ҳал қилишда ҳозирги замон педагогик фаолиятига бир назар солинади.

**Таянч сўзлар:** ўқувчи шахси, инновация, педагогик технология, ўқув жараёни, ўқув жараёни, ўқувчининг ижтимоий маданияти, касбий маҳорати. Республикаизда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳолатларнинг жадал суръатларда ривожланиши олий таълим тизимида фаолият кўрсатиб келаётган педагоглар олдига янгича ёндашув ва инновацияларни тадбиқ қилишни тақозо этмоқда. Олий таълим муассасаларидаги талабаларни тарбиялаш технологияларини, баркамол авлодни тарбиялашнинг интеграллашган, босқичма-босқич таълим-тарбия механизмини ишлаб чиқиш ва уни бевосита амалиётга, таълим тизимиға жорий қилиш, ёш авлодни тарихий, миллий, умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, соғлом ижтимоий муҳитни шакллантириш орқали миллий истиқлол ғоясини уларнинг қалби ва онгига сингдиришга эришиш, яхши тайёргарликка эга бўлган, сифатли мутахассис тайёрлашда асосий эътиборни нафақат мутахассис тайёрлаш, балки ақли расо баркамол шахсни, миллий ғоя ва қадриятларга асосида тарбияланган, ижодий фикрлайдиган ва ахборотларга танқидий нуқтаи назардан ишлов берадиган, ватанимизда бўлаётган турли ўзгаришлар ва ҳодисаларни ўз қалбida ҳис қиласидиган, бунинг равнақи учун жон куйдирадиган, ҳаётий муаммоларни ҳал қилишда узоқни кўра оладиган профессионал касб эгаларини тарбиялашга қаратмоқ зарур.



## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> August, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Мамлакатимизда барча соҳалар бўйича жадал ривожланиш, модернизация қилиш олий таълим муассасаларида ҳам, таълим тарбия жараёнига янгича ёндошишни, шахсни ҳар томонлама (маънавий баркамол, ижодий фикрлайдиган, ҳаётнинг барча кўринишларида муваффақиятли ечим қабул қилаоладиган) ривожлантиришни тақозо этади. Фикримизни далили сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан 2017 йилнинг 31 июлдаги 526 сонли буйруғида “Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни такомиллаштиришга доир Низомларни тасдиқлаш тўғрисида” ги буйруғини келтиришимиз мумкин.

Таълим жараёнидаги мақсадларининг замонавий шароитларга мос равища ўзгариб бориши тарбиянинг моҳиятини янгича талқин қиласиган интеграллашган таълим тарбия тизимини такомиллаштиришни олға суради. Тарбиявий фаолиятнинг замонавий концепцияларида тарбиянинг моҳиятини очиб берувчи бир қанча тушунчалар мавжуд:

- ❖ тарбия шахсни ривожланишини мақсадли йўналтирилган бошқариш жараёни кўринишида (Л. И. Новикова, В. А. Караковский, Н. Л. Селиванова);
- ❖ тарбия шахсни ривожланиши учун шарт-шароитларни яратиш кўринишида (С. И. Григорьев, Б. Т. Лихачев);
- ❖ тарбия шахсни ижтимоий шаклланиш жараёнини бошқариш кўринишида личности (А. В. Мудрик, Д. И. Фельдштейн);
- ❖ тарбия шахсни ривожланишини қўллаб-қувватловчи психологик-педагогик жараён кўринишида (О. С. Газман);

Ҳозирги пайтда талаба ёшларни тарбиялашнинг муҳим жиҳатларидан биттаси шундан иборатки, тарбиядаги объектив жараён жамоавий тарбиядан шахсни ўзини-ўзи тарбиялайдиган ва ўзини-ўзи ривожлантирадиган томонга қараб ўзгариши керак. Бу жамиятдаги ўзгаришларга боғлиқ бўлган инновацион жараён бўлиб ёшларни янги ижтимоий қўнималарни эгаллаши, фуқоролик ҳолатларнинг мустаҳкамланиши ва такомиллашиши тушунилади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, бу ерда ижтимоий-маданий ҳолатларнинг ўзгариб бориши жараёнида мос равища тўғри, адекват йўлни топаоладиган ва ҳаракат қилаоладиган янги типдаги талабанинг шахсини шакллантириш тўғрисида бораяпти. Таълим ва тарбияда инновация, даставвал, баркамол шахсни таркиб топтиришга йўналтирилган бўлиши зарур. Замонавий ёш авлод, олий таълим муассасаси талабаси, маънавий баркамол таълим олган, ўзини қайта тарбиялай оладиган, ўзгартира оладиган, мавжуд муаммоларни ечаолиш имкониятига эга



## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> August, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

бўлган ва бу муаммоларни ечишни хоҳлайдиган касбий фаолият эгаси бўлмоғи зарур. Таълим тарбияда инновация - бу янги, доимий узликсиз ривожланишни, тизимнинг янада такомиллашувини, унинг янги сифат даражасига кўтарилишини таъминловчи иерархик ривожланиш жараёнидир. Шундай қилиб таълим ва тарбия жараёнига инновацияларни киритиш давр талабига мос келмоғи даркор. Таълимда инновацияни тадбиқ этиш деганда ўқув жараёнида педагогик технологияларни, ўқитиш методлари мажмуасини, билимни ўзлаштиришнинг усул ва воситаларини такомиллаштиришни, янги сифат даражасига олиб чиқиши тушенамиз.

Айнан инновацион фаолият на фақат олий таълим муассасасини ва уни битирувчиларини таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликтининг мустаҳкам асосини яратиш учун эмас, балки ҳақитатан ҳам мутахассисларнинг шахсий ривожланишига яқиндан қўмак беради. Демак, инновациялардан максимал муваффақиятга эришиш ва унинг таркибини таълим ва тарбия жараёnlарини ташкил қилиш методларини мос равища ўзгартиришни тақозо этади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган мулоҳазалар талабани давр талаби даражасида тарбиялашга йўналтирилган бўлиб, унга тўғри йўлни кўрсатади, аниқ керакли технологияларни танлашни, инсон фаолиятининг чексиз имкониятларини ҳарактга келтиришни тақозо этади. Ёш авлодлар тарбиясида миллий маънавиятга асосланиш, халқимизнинг кўп асрлар давомида ардоқлаб келган миллий-ахлоқий қадриятларни педагогик жараённинг предметига айлантириш фоят муҳимдир. Бинобарин, халқ тарбиявий тажрибасида орттирилган анъаналарни илмий идрок этиш, улардан жамиятнинг маънавий камолотда фойдаланиш миллий истиқлол ва миллий тарбиянинг асосий талабидир.

### Адабиётлар:

- Мирзиёев Ш.М. Илм-фан ютуқлари - тараққиётнинг муҳим омили. 30.12.2016 й. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги сайти. [www.aza.uz](http://www.aza.uz).
- Мирзиёев Ш.М. Илм-фан ютуқлари - тараққиётнинг муҳим омили. 30.12.2016 йил. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги сайти. [www.aza.uz](http://www.aza.uz).
- Юксак маънавият – енгилмас куч. И.Каримов - Т.: «Маънавият», 2009. - 176 б.

# **Proceedings of International Educators Conference**

**Hosted online from Rome, Italy.**

**Date:** 25<sup>th</sup> August, 2023

**ISSN:** 2835-396X

**Website:** econferenceseries.com

- 
4. Бегматов А.С. АДУ Илмий хабарномаси. - “Миллий ғояда эътиқодни шакллантиришнинг психологик жиҳатлари”, 2010. - 2 сон.
  5. Ўзбек педагогикаси антологияси. –Т.:Ўқитувчи, 1995.-Б.69-70; Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. -Т.:Фан, 1983.

**E-Conference Series**

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings

E-CONFERENCE  
SERIES